

## UNICON.UZ ning sinov markazi

Марказий Осиёдаги илк тажриба: акс-садосиз экранланган камера



Пойтахтимизда "UNICON.UZ" ДУКнинг Марказий Осиёда ягона бўлган "ЗМСНА" русумли акс-садосиз экранланган камера билан жиҳозланган лабораториялар мажмуасидан иборат синов маркази ишга тушди.

Тантанали очилиш маросимида республикаимиз вазирилик ва идоралари, компания ва ташкилотлари вакиллари иштирок этишди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Х.Муҳитдинов тадбир иштирокчиларини қутлар экан, мустақиллик байрами арафасида мамлакатимиз юксалишига хизмат қилувчи янги бинолар, объектлар, иншоотларни ишга тушириш, байрамни қўтаринки руҳда кутиб олиш халқимизнинг яхши анъаналаридан бирига айлангани, қутлуғ сана арафасида яна бир иншоот — ажойиб синовлаборатория марказининг очилиши қувончли ҳол эканини таъкидлаб, келажакда ушбу мажмуа мамлакатимиз тараққиёти учун хизмат қилади, дея эзгу тилақларини билдирди.

2-бет

### Сўнги янгилик!



Алоқа оламида:

Жанубий Корея очик қодли ўз мобил амалиёт тизимини ишлаб чиқмоқчи. Ҳукумат вакиллариининг айтишича, бундан мақсад маҳаллий смартфон ишлаб чиқарувчиларни халқаро рақобатчилар, биринчи галда Apple ва Googleдан муҳофаза-лашдир.

Эслатиб ўтамыз, Корея Республикасида смартфон ва мобил телефонлар ишлаб чиқарувчи учта компания: Samsung, LG ва Pantech фаолият юритяпти.

### Ушбу сонда:

Давр билан ҳамқадам	3
"MULOQOT.UZ" — янги ижтимоий тармоқ	5
Филиал "Бош Коммутация Маркази": Годы успешного развития	6
Ёшлар мураббийси	15
Мен — 20 ёшдаман!	16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Асрларга тенг йиллар: Uzinfocom маркази ва "ЎзАлоқаКонсалтинг" МЧЖ

# "UNICON.UZ" НИНГ СИНОВ МАРКАЗИ

## Марказий Осиёдаги ilk тажриба: акс-садосиз экранланган камера

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан жорий йилнинг 23-24 август кунлари Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак давлат ташири билан мамлакатимизда бўлди. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини бериш тўғрисидаги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида"ги фармонлари эълон қилинди.

Тошкентда 23 август кунини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Корея Республикаси фонд биржаси ўртасида Ўзбекистонда қимматли қозғалар бозорини модернизация қилиш тўғрисидаги бош шартнома имзоланди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ажойиб тўхта тайёрлади. Жамғарма томонидан янги "Фонд Форум тақдим этади: Ўзбекистон" деб номланган китоб-фотоальбом нашр этилди. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида фотоальбом тақдими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа инсти-тутларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2011 йилда эълон қилинган грантлар бўйича иккита танлов ғолибларига сертификатларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги 26 нодавлат нотижорат ташкилотлари умумий миқдори 371,2 миллион сўмлик грантларни олди.

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги муносабати билан Чирчиқ шаҳридаги "Бўстон" сўхатгоҳида ёш журналистлар учун "Келажақ овози-2011" ёзги медиа-оромгоҳи фаолият бошлади. 29 августга қадар давом этадиган тадбир якунида иқтидорли ёшларга махсус сертификатлар топширилади.

"Unicon.uz" ДУК директори А.Файзуллаев йиғилганларга марказ имкониятлари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтди.

Шундан сўнг, марказнинг очилиш тантанаси учун тайёрлаб қўйилган тасмалар кесилиб, иштирокчилар лабораторияларда ўрнатилган ўлчов ускуналари билан танишишга таклиф этилди. Ҳар бир хона, ҳар бир ускуна бирма-бир таништирилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда мобил алоқа, юқори тезликдаги WiMAX, Wi-Fi симсиз маълумот узатиш технологиялари, телевидение ва радиоэшиштириш соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш жадвали билан ривожланмоқда. Ушбу тараққиёт аҳолига замонавий мобил хизматлар, тезкор интернет ҳамда интерактив телевидение имкониятларидан фойдаланиш каби қатор қўлайликлар яратиш билан бир қаторда, электромагнит мослашуви масалалари бўйича айрим муаммоларни юзга келтиради. Бу муаммо шундан иборатки, компьютерлар ва электромагнит энергияни ишлатувчи турли радиоэлектрон қурилмалар, симсиз маълумотларни узатиш воситаларининг кўпайиши натижасида мазкур қурилмаларнинг бир-бирига халақит бериши, радиочастота ресурслари

танқислиги ҳосил бўлиши мумкин.

Шу йўналишдаги муаммоларни ечиш мақсадида жаҳон андозаларига мос равишда илмий тадқиқот ва текширувлар ўтказиш имконини берувчи акс-садосиз камера билан жиҳозланган мазкур синов лаборатория мажмуаси ташкил этилди.

Акс-садосиз экранланган камера (АЭК) радиоэлектрон ва электроник воситаларни электромагнит мослашувга синаш учун мўлжалланган комплекс тизимларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Акс-садосиз бўлиши учун камера электромагнит тўлқинларни ютувчи махсус қатлам билан қопланган. Синов жараёнини тезлаштириш ва тўлиқ автоматлаштириш мақсадида камерада айланувчи платформа, баландлиги автоматик ўзгартирилувчи антенна мачтаси ўрнатилган, шунингдек, ўлчаш жараёни видеокузатиш ва назорат қилиш тизими билан жиҳозланган.

АЭК ичида ташқи халақитлар таъсиридан холи муҳит ҳосил қилинади ва бунинг натижасида халқаро ҳамда давлат стандартлари талабларига мувофиқ юқори аниқликдаги ўлчашлар амалга оширилиши таъминланади. Ўрнатилган АЭК турли ускуналарнинг нурланиш меъёрлари ва ташқи электромагнит майдонларга чидамлик нормаларига мувофиқлигини кенг частота диапазонида

синаш, антенна тизимлари параметрлари ва тавсифларини ўлчаш имконини беради. Бундан ташқари, ушбу АЭК илмий тадқиқот ишларини ўтказиш учун муносиб ва мукамал жой ҳисобланади.

Синов комплексининг имкониятлари қуйидаги техник воситаларнинг давлат ва халқаро стандартларга мувофиқлигини синаш бўйича барча хизматлар кўрсатиш имконини беради:

- Телекоммуникация ускуналари;
- электротехник ускуналар;
- ахборот технологиялари ускуналари;
- тиббиёт ускуналари;
- маиший техника;
- антенна тизимлари ва ҳоказо.

Марказ мутахассисларининг таъкидлашича, АЭКда яратилган шароитлар электромагнит мослашув соҳасида ўлчашлар ва илмий-тадқиқот ишларининг юқори даражадаги аниқлигини, квалификация, даврий, конструкторлик, намунавий ва бошқа турдаги ишлаб чиқариш синовларининг юқори сифатда ташкил этилишини кафолатлайди.

Бу синов ва тадқиқот марказининг очилиши мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида соҳа ходимлари томонидан тақдим этилган яна бир байрам тўхфаси бўлди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

## Маърифат қошонаси

Тўйга тўёна билан келиш халқимизга хос одат. Навоийликлар ҳам ана шу анъанага содиқ қолиб, ҳар йили истиқлол байрами арафасида ўнлаб иншоотларни фойдаланишга топширишга одатланишган.

Улуғ бобокалонимиз

Алишер Навоий номи билан аталган вилоятда шoir орзулари рўёбга чиққанлигини минглаб Фарҳоду Ширинлар сув чиқарган чўлу саҳронинг боғу бўстонга айланаётганлигида, нафақат санат салоҳиятида, балки илму маърифатда, маънавият соҳасидаги хайрли қадамларда ҳам яққол кўриш мумкин.

Вилоят ҳокими ташаббуси билан вилоят марказида оммавий ахборот воситалари учун "Матбуот уйи"нинг қуриб фойдаланишга топширилиши, хориждан замонавий босма дастгоҳлар келтирилган "Навоий Матбуот-Нашр" босмахонаси ва "Алишер Навоий" наشريётининг ташкил этилиши маънавиятга, маърифатга, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга эътибор намунаси, албатта.

Айниқса, энг улуғ ва муқаддас байрамимиз — мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан фойдаланишга топширилган Абдулла Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази биноси навоийликлар учун ҳақиқий байрам тўхфаси бўлди.

Қурилиш-таъмирлаш ишларига қарийб 1 млрд. сўм маблағ сарфланган маърифат қошонасида замонавий соғлаш ишларини "Бархан плюс" қурилиш ташкилоти амалга оширди.

Юз ўринли мажлислар зали, 50 ўринли умумий



ўқув зали, 20 ўринли электрон ўқув зали, 11 та бўлим ва секторларга алоҳида хоналар ажратилган бўлиб, бу ерга қадам ранжида қилган кишининг қалби нурга тўлади.

Ахборот-кутубхона маркази биносининг тантанали очилиш маросимида Навоий вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов, Республика ахборот-кутубхона маркази директори Алишер Ишматов, Олий Мажлис депутати Фахриддин Солиевлар иштирок этиб, бу маърифат маскани ёшларимизнинг билимли ва маърифатли бўлиб камолга етишларига хизмат қилиши муқаррарлигини таъкидладилар.

Тадбир сўнггида Навоий шаҳар ҳокими Баҳодир Жўраев шаҳардаги мавжуд 30та маҳалла оқсоқоллари ва маънавият маслаҳатчилари, шаҳар маънавият ва маърифат кенгаши аъзолари, мактаб директорлари, коллеж ва академик лицейлар раҳбарлари иштирокида ўтказган брифингга бир кунда минг кишига хизмат кўрсатишга қодир ушбу кутубхона марказида маҳалла, мактаб, коллеж ва лицей ўқувчиларининг китобхонлик даражасини ошириш учун ҳар ойда китобхонлик ойлиги ўтказиш таклифи маъқулланди.

Замонавий маърифат маскани барча китобхонларни чорлайди.

Маруса ҲОСИЛОВА,

"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали ўз таркибига вилоятнинг 19та шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларини бирлаштирган. Филиал 290та почта алоқаси бўлими ҳамда тармоқ марказий амалиёт заллари орқали вилоят аҳолиси ва ташкилотларига хат-хабарлар, юк жўнатмалари (жўнатма, бандерол), пул жўнатмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш, аҳолидан коммунал тўловлар қабул қилиш, даврий нашрларга обуна ташкил этиб, етказиб бериш ва сотуви билан шуғулланади.

## Давр билан ҳамқадам

Бундан ташқари, ногиронлик ва қариялик нафақаларини етказиб бериш каби 40дан ортиқ почта хизматини кўрсатади. Вилоятнинг чекка ҳудудларида жойлашган аҳоли масканлари учун махсус жиҳозланган иккита "ДА-МАС" русумли автомашиналар — кўчма почта алоқаси бўлими хизматидан эл мамнун.

Мустақилликкача вилоят почта алоқаси хизмати жамоаси ўз мулкига эга эмасди. Ҳозирги кунга келиб, 19та тармоқ биноси, Қўқон ва Марғилон темир йўл вокзалларида иккита почта алмашинув маскани, 265та алоқа бўлими бинолари хусусийлаштирилиб, жамоа мулкига айлантирилган.

Ҳозирда филиалда 225та компьютер мавжуд, 63та алоқа бўлими компютерлаштирилган. Барча почта алоқаси тармоқлари жамиятнинг корпоратив компютер тармоғига уланган, 82та хизмат кўрсатиш нуқтасида электрон пул жўнатмалари хизмати ташкил этилган. Тармоқларда компютер орқали почта жўнатмаларини рўйхатга олувчи тизим ишга туширилган. Яқинда почта жўнатмалари йўналишларини интернет тармоғи орқали жўнатувчи ва олувчиларга кузатиб бериш имко-

нияти яратилди.

Тошлоқ ва Олтиариқ почта алоқаси тармоқларидаги интернет-кафелар аҳолига турли компютер хизматларини кўрсатмоқда. Шу кунларда Қувасой почта алоқаси тармоғида интернет-кафе иш бошлади. Лоғон қишлоғида ўз боғи ва Риштон туманида қорамол, паррандачилик ва балиқчилик билан шуғулланувчи фермер хўжалигини ташкил этгани ҳам филиал жамоасининг катта ютуқларидандир. ТАТУ Фарғона филиали ва алоқа коллежларини битириб чиқаётган талабалар ҳисобига иш унумдорлиги, хизмат кўрсатиш сифати, иш ҳажми ва даромад йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, филиал давр билан ҳамнафас қадам ташламоқда.

Яқинда мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" шiori остида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда филиал жамоасининг истиқлол йилларида эришган ютуқлари ифтихор билан тилга олинди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори ўринбосари Ислоҳ Назаров йиғилганларни энг азиз, энг улуғ байрамимиз билан қутлаб, ахборот технологиялари негизда хизматларнинг

янги турларини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини ошириш, шунингдек, ходимлар тажриба-малакасини, маънавий-сиёсий онгини мунтазам ошириб бориш масаласига диққатни қаратди. Фарғона шаҳар имом хатиби Абдували Ҳафизов мустақиллиқни асраб-авайлаш, турли оқимларга кириб кетишдан ўзни эҳтиёт қилиш, истиқлол берган эркинликлардан шукронаи неъматда бўлиш мавзусида маъруза қилди. Тадбирда Фарғона давлат университети "Тарих" кафедраси ўқитувчиси Усмон Ҳошимовнинг "Мустақиллик — менинг тақдиримда" мавзусидаги маърузаси эшитилди. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ матбуот котиби, шоир Абдунаби Бойқўзиев почта ходимларининг обрў-нуфузини янада кўтариш хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди ва мустақиллик, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳидаги шеърларидан ўқиб берди.

Тадбирга яқун ясаган филиал директори Мироди Маҳмудов юксалиш йилларида эришилган меҳнат зафарларини бойитиш йўлида ёш кадрлар зиммасидаги вазифаларга алоҳида тўхталди.

**Ҳафиза САЛҲОВА,**  
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаси мухбири

## Устозлар ҳузурини

Истиқлолнинг 20 йиллиги арафасида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали жамоаси ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси биргаликда эзгу ишга қўл уришди.

Улар алоқа соҳаси, хусусан, филиал раванқига кўп йиллар давомида меҳнати сингган, эндиликда кексалик гаптини сураётган фахрийлар хонадонларига ташриф буюришди.

Муборак жума сафарини пойтахтнинг Чилонзор, Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек, Ҳамза, Юнусобод туманларида истиқомат қилаётган В.Воронова, Н.Лямина, Н.Айпова, В.Воробьева, Л.Филагова, М.Воевода, З.Мамина ва Н.Латышевларга мустақилликнинг 20 йиллигига аталган совға-саломлар топширилди.

Гарчи пенсияда бўлса-да, киши ёшлиги, умрини бағишлаган кадрлар корхонасидан узилиб кета олмас экан. Бунга фахрийлар билан учрашувда ўзимиз ҳам амин бўлдик. Элик-қирқ йиллик иш стажига эга устозлар собиқ жамоадолари, дўстлари, шоғирдлари ҳақида сўрашди, филиалда амалга оширилаётган ўзгаришлар билан қизиқишди. Ўз навбатида, почта ва касаба уюшмаси мутасаддилари ёши улуғ ҳамкасбларидан ҳол сўраб, уларнинг маслаҳатларига қулоқ тутишди.

**Собит АҲАДОВ,**  
"Xabar" мухбири

## Маърифий тадбир

Яқинда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиали вилоят маънавий тарғиботи марказида "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!", "Диний экстремизм ва турли хил зарарли диний оқимларга қарши курашамиз" мавзуларида тадбир ўтказди. Йиғилишда филиалнинг туман почта алоқаси тармоқлари масъуллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиали директори Илҳом Шералиев очиб, йиғилганларни яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрам — истиқлолнинг 20 йиллиги билан табриклади. Мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларга алоҳида тўхталди. Шундан сўнг, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори ўринбосари Ислоҳ Назаров, кадрлар ва малака ошириш бўлими бошлиғи Тожимурод Хўжақулов, Жиззах Давлат педагогика институти профессори Фания Аҳмедшина, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Туроб Мақсуд ва бошқалар кун тартибидagi масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Ўз мухбиримиз**

## ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги "2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан почта алоқаси бўлимида электрон почта, электрон пул ўтказмалари, интернет-кафе, интернет-магазин ва бошқа хизматлар жорий этилиб, бу боралаги ишлар 2011-2012 йилларга мўлжалланган янги лойиҳа асосида давом эттирилмоқда.

2010 йилда Берида Бутунжаҳон почта иттифоқи томонидан ташкил қилинган сифат хизматини яхшилаш Фонди (ФУКС) Кўмак Кенгагининг қарорига асосан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖда Республика ички магистрал автомобил йўналишида хат-хабарлар ўтишини яхшилаш лойиҳаси энг яхши татбиқ этилгани учун жамият мукофотланган.

## Эл эъзозидagi ижодкорлар

Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорликда ўтказган "Эл эъзозидagi ижодкорлар" мавзусидаги тадбирда вилоятдаги барча алоқа ташкилотлари иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлими раиси, шоира Хуршидабону иштирокчиларни яқинлашиб келаётган мустақиллик байрами билан муборакбод этди ва ўзининг Ватан ҳақидаги шеърларидан ўқиди.

Тадбирга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Олимжон Холдор, Ўзбекистон халқ шоири Низом ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, публицист, Халқаро Бобур мукофоти лауреати Қамчибек Кенжа ташриф буюрди.

Ижодкорлар йиғилганларни яқинлашиб келаётган мустақиллик байрами билан самимий муборакбод этиб, ўзларининг янги шеърларидан иштирокчиларни бахраманд этдилар.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Т.Нуритдинов ўзбек адабиётига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини кўшиб келаётган ижодкорларга миннатдорчилик билдириб, бундай тадбирлар унда иштирок этаётган ҳар қайси китобсевар кўнглида байрамолди кайфиятини кўтаришга катта ҳисса қўшганлигини алоҳида таъкидлади ва алоқа ходимлари томонидан тайёрланган эсдалик совғаларини тақдим этди.

Вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Г.Исмоилова тадбир иштирокчиларига эзгу тилакларини билдирар экан, ижодкорлар томонидан марказ жамғармасига тақдим этилган янги адабиётлар китобсеварлар учун узоқ йиллар хизмат қилишини билдирди.

**Н.АЗНАБОВА,**  
Бобур номидаги Андижон вилоят АҚМ директори ўринбосари

**А**малга оширилган ишлар натижаси боис .UZ домен зонасидаги фаол доменлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бугунги кунда .UZ домен зонасидаги фаол доменлар сони 12 мингтадан, йил бошидан бери эса ўсиш даражаси 11 фоиздан ортди.

UZINFOCOM маркази яқинлашиб келаётган мустақиллик байрамими меҳнатдаги бир қатор ютуқлар ва муносиб натижалар билан кутиб олмоқда. Шу боис, марказнинг истиклол йилларида амалга оширган ишлари, кўлга киритилган натижалари ҳамда келгуси режалари билан қисқача таништириб ўтмоқчимиз.

UZINFOCOM маркази Республика-миз Президентининг 2002 йил 30 май-даги 3080-Фармони асосан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қошида ташкил этилган. Марказ олдида республикамиз ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ҳар томонлама ривожлантиришга, уни иқтисодий, бошқарув ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъбиқ этишга, аҳолимизнинг ахборотга ортиб бораётган эҳтиёжини аниқ тўлароқ қондиришга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида компютерлаштиришни ривожлантириш ва АК-Тни ҳар томонлама жорий этишга кўмаклашиш бўйича вазифалар қўйилган.

Марказ ўз олдида қўйилган вазифаларни изчил ва мукамал бажариш борасида АКТ соҳасида ҳукумат қарорлари билан белгиланган лойиҳалар ҳамда ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишга катта эътибор қаратмоқда.

UZINFOCOM маркази мустақиллик йилларида бир қатор диққатга сазовор ишларни, жумладан, янги платформадаги G2C ("Хукумат — Фуқарога") ва G2B ("Хукумат — Бизнесга") модулларини ҳисобга олган ҳолда, интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портални модернизациялашни амалга оширди. Натияжада Ҳукумат порталида 100дан ортиқ бўлимлар ва бўлимовчиларни ўз ичига олган "Фуқарога" (G2C), "Тадбиркор ва сармоядорга" (G2B) ва "Чет эл фуқаросига" (G2F) каби модуллар яратилди. Бундан ташқари, порталда интерактив давлат хизматларини кўрсатиш бўйича барча шароитлар яратилди, жумладан, ҳозирги кунда фойдаланувчилар давлат органларининг турли маълумотномалари ва формаларини юклаб олишлари, электрон давлат хизматларидан ва давлат ахборот ресурсларидан фойдаланишлари, ФХДЕ бўлимлари, нотариал хизматлар, йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун жарималар ва бошқалар ҳақида маълумотлар олиши мумкин.

Республикамиз ҳудудларида АКТни кенг ривожлантириш ва ҳар томонлама жорий этиш бўйича ҳукумат қарорларини бажариш доирасида марказ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қошида ташкил этилган Компютерлаштириш марказларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда. Компютерлаштириш марказлари ўртасидаги ўзаро алоқдорликни кучайтириш, уларга АКТнинг турли йўналишлари бўйича амалий ва техник маслаҳатлар ҳамда зарур кўмак бериш мақсадида ўтган йили марказ ҳузурида Компютерлаштириш марказларига

**2006** йилнинг ноябрида

UZINFOCOM маркази томонидан бирлашган форум майдончаси uForum.uz (www.uforum) ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу ахборот ресурси фойдаланувчилар томонидан энг кўп ташриф буюрадиган миллий ахборот ресурслари қаторига киради.

**Х**озирда давлат органларининг 94та интерактив давлат хизматлари тури тасдиқланган бўлиб, UZINFOCOM маркази мавжуд интерактив давлат хизматларининг реестрини GOV.UZ портали ҳамда reestr.uz сайти орқали юритиб келмоқда.

## UZINFOCOM — РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА



кўмак кўрсатиш гуруҳи ташкил этилди.

Марказ миллий домен зонасини ривожлантириш, хизмат сифатини яхшилаш ва фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш борасида мунтазам равишда иш олиб бормоқда. Бу сазой-ҳаракатлар натижасида эндиликда фойдаланувчилар домен номи мавжудлигини, унинг рўйхатга олинганлиги ҳақидаги хабарномани ҳам ўз электрон почталарига, ҳам мобил телефонларига SMS орқали олишлари, бундан ташқари, Маъмурнинг сайтида яратилган Шахсий кабинет орқали ўз доменларини бошқаришлари мумкин.

2009 йилда UZINFOCOM Маълумотлар марказининг ташкил этилиши нафақат марказ учун, балки республикамиз АКТ соҳаси учун жуда катта аҳамият касб этди. Ҳозирги кунда Маълумотлар маркази давлат органларига, юридик ва жисмоний шахсларга хостинг, co-location ва VPS (виртуал ажратилган сервер) хизматларини тақдим этмоқда. Диққатга сазовор жойи шундаки, давлат органлари учун хостинг хизмати имтиёзли нархларда кўрсатилади. 2011 йилнинг бошида Маълумотлар марказининг янги хизмати — мижоз маълумотлар базасидан захира учун нусха олиш хизмати BACKUP.UZ жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги 191-Қарорига асосан 2005 йилда UZINFOCOM маркази таркибида Ziyonet жамоат-таълим ахборот тармоғининг Ресурс маркази ташкил этилди.

2006 йилда Ziyonet Ресурс маркази

томонидан Ziyonet жамоат-таълим ахборот тармоғининг портали (www.ziyonet.uz) яратилди. Ҳозирги кунда портал ўз ичига кутубхона, таълим, абитуриент, сайтлар, арбоблар, тадбирлар ва муассасалар каби бўлимларни олади. Порталдаги маълумотлар мунтазам равишда янгиланган бўлилади.

**ICANN Халқаро ташкилоти билан имзоланган келишувга асосан UZINFOCOM маркази Ўзбекистоннинг юқори даражадаги домени — .UZнинг бошқарувчиси ҳисобланади.**

UZINFOCOM марказининг ўтган давр мобайнида амалга оширган муҳим лойиҳаларидан яна бири — 2010 йилда Desk.uz лойиҳасининг ишга туширилиши бўлди.

Ушбу лойиҳа шахсий ахборот маконини яратиш асоси ҳисобланади. Сервис каталогига кўндан-кўп виджетлар ва информерлар кирган бўлиб, улар ягона нуқтадан фойдаланувчи учун энг муҳим ва зарур маълумотни олиш имконини беради.

Ҳозирги кунда Миллий ахборот қидирув тизими — WWW.UZни ривожлантириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу тизимда рўйхатдан ўтган сайтлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда ва ҳозир ушбу тизим маълумотлар базаси 5,5 мингдан ортиқ ахборот ресурсларини ўз ичига олади. WWW.UZ нафақат каталогдаги қизиқарли сайтни топиш, балки сайт рейтингини кузатиб бориш, сайтлар ва хост-провайдерлар бўйича турли статистикани билиб бориш имконини беради.

UZINFOCOM маркази ҳукумат қарорларидан келиб чиққан ҳолда, Давлат ахборот ресурслари ва Давлат органларининг ахборот тизимлари реестрини юритиб келмоқда. Ушбу реестр reestr.uz сайти базасида ташкил этилган.

UZINFOCOM маркази АКТ соҳасининг меъриё-ҳуқуқий базасини шаклланди.



тиришда ҳам бевосита иштирок этмоқда. Марказ Агентлигининг Стандартлаштириш бўйича техник комиссияси билан ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатади ва халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда меъриё хужжатларни ишлаб чиқариш ҳамда амалдаги стандартларга ўзгартириш киритиш жараёнида, кўрсатилган хизматлар сифатини яхшилаш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида илгор чет эл мамлакатларининг стандартларидан фойдаланишда қатнашади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ахборот-коммуникация тизимлари компютер хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2005 йил 5 сентябрдаги 167-қарорига асосан марказ қошида Компютер ҳодисаларига чора кўриш UZ-CERT хизмати ташкил этилди.

UZ-CERT хизмати миллий ахборот тизимлари ва интернетнинг миллий сегменти фойдаланувчилари учун компютер ҳодисалари ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш, компютер хавфсизлигига йўналтирилган таҳдидларнинг олдини олиш бўйича маслаҳат бериш ва техник кўмак кўрсатувчи ягона марказ ҳисобланади.

Келажақдаги режалар ҳақида гапирсак, марказ яқин мудат ичида Ҳукумат порталида фуқаронинг Шахсий кабинетини яратиш, коммунал тўловлар бўйича ҳудудий ахборот тизимини ишлаб чиқиш, SMS платформасида (www.sms.uz) яратилган бир қатор лойиҳаларни, фуқаролар ва юридик шахслар учун уларнинг давлат органлари билан ўзаро алоқаларида керак бўладиган ҳаммабоп форма ва бланкалар реестрини шакллантириш бўйича ишларни якунлаш арасида.

Бундан ташқари, жорий йил охирига қалар тадбиркорларга ва бизнес вакилларига ўз фаолиятларини амалга ошириш учун зарур бўладиган барча турдаги лицензияларни "Ягона ойна" тамойили орқали олиш учун қулай шароит яратилган Хужжатларни электрон тақдим этиш ва берилган лицензияларни ҳисобга олиш ягона тизимини ишлаб чиқиш, республикада ягона ахборот маконини шакллантиришга замин ва муҳим восита бўладиган ўқувчи ва талабалар учун ягона миллий виртуал ижтимоий тармоқни яратиш, шунингдек, Desk.uz тизими орқали реал вақт тартибда ҳисоб-китоб ҳолати ва ҳисоблар бўйича амалга оширилган тўловлар маълумотларини чиқариб берадиган Коммунал тўловларни амалга ошириш тизимини ишлаб чиқиш бўйича ишларни ҳам ниҳоясига етказиш кўзда тутилган.

**А.НАЗАРОВ,**  
UZINFOCOM маркази бош мутахассиси,  
**Ш.АБДУВОҲИДОВА,**  
етакчи мутахассис

# "MULOQOT.UZ" — Янги ижтимоий тармоқ

UZ миллий домени 16 йил аввал ташкил топган ва бугунга келиб UZ худудидаги иккинчи даражали доменлар сони 12 600тадан ошади. Бундан ташқари, минглаб учинчи даражали доменлар ва сателлит-сайтлар мавжуд.



Домен номларини рўйхатга олиш нархининг 89 АҚШ долларидан 15 АҚШ долларига пасайиши ҳам тармоқ ривожининг муҳим омилларидан бўлди. Тўловни амалга оширишда миллий валюта — сўмга ўтиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. 2010 йилнинг 1 сентябидан битта домен номини бир йилга рўйхатга олиш ва уни узайтириш нархи ўртача 16 000 сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, халқаро интернет пакетлари сизими оширилиб, провайдерлар учун ташқи каналга чиқиш нархлари арзонлаштириляпти.

Ушбу йўналишда яратилган шу каби имкониятлардан фойдаланиб, Ўзбекистонлик ёшлар ва интернет фойдаланувчиларининг кенг омма-си учун "Muloqot.uz" ижтимоий тармоғи лойиҳаси ишга туширилди. Пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида тармоқ тақдиротига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Бугунги кунда юртдошларимизнинг кўпчилиги хорижий ва халқаро ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб келади. Маълумотларга кўра, "Одноклассники.ру" тармоғига 250-340 минг нафар Ўзбекистонлик фойдаланувчи ташриф буюрар экан. Дунёга машҳур "Facebook"дан 85 мингга яқин ҳамюртимиз рўйхатдан ўтган. Албатта, ушбу сайтлар қатор қулайликларга эга, ammo камчиликлари ҳам йўқ эмас. Хусусан, улар Ўзбекистон худудидан ташқарида жойлашганлиги сабабли халқаро каналлардан фойдаланишга тўғри келади. Бу эса фойдаланувчиларнинг интернет учун кўпроқ маблағ сарфлашларига олиб келади. "Muloqot.uz" эса "Ўзбек-телеком" АК "Biznesni rivojlantirish markazi" филиалининг Дата-марказида жойлашган. Бундан ташқари,

юқорида тилга олинган хориж ижтимоий тармоқларининг ўзбек тилидаги интерфейслари мавжуд эмас.

— Шу жиҳатдан "Muloqot.uz" ижтимоий тармоғининг фаолият бошлаши юртдошларимизга қулай ва арзон нархларда мулоқот уюштириш имконини беради, — деди лойиҳа ижрочиси Фарҳод Файзуллаев. — Сайт хостингининг TAS-IX худудида жойлашгани ADSL-интернет фойдаланувчиларининг аксариятига текин трафикни таъминлайди.

Тақдиротчи, шунингдек, тўлиқ ўзбек тилида бўлган ва Ўзбекистонликлар учун мўлжалланган "Muloqot.uz" ижтимоий тармоғи умминсоний кадрятлар ва миллий анъаналар, тенглик ва бағрикенглик тамойиллари асосида фаолият олиб боришини эътироф этди. Лойиҳанинг хориж аналогларидан яна бошқа фарқли жиҳати маҳаллани кўрсатган ҳолда рўйхатдан ўтиш имкони мавжудлигидир. Бу фойдаланувчига ўз маҳалладошларини тез ва осон топиш, улар билан виртуал оламда ҳам алоқа ўрнатиш имконини беради. Шу билан бирга, фойдаланувчи интернетга кириш имкони бўлмаган вақтда тармоқдаги дўстлари ҳақида SMS воситасида хабар олиб туриши, ўзи ҳақидаги янгиликларни дўстлари билан баҳам кўриши мумкин. Мамлакатимизда мобил интернет фойдаланувчилари сони кўплиги ҳисобга олиниб, сайтнинг мобил талқини ҳам ишлаб чиқилган.

Яна бир янгилик: "Muloqot.uz" тармоғи аъзоларига ўзбекистонлик хонандаларнинг кўшиқларини тинглаш имкони берилади. Буни амалга ошириш учун "Ўзбекистон ҳуқуқ эгалари палатаси" ҳамда "Ўзбекистон муаллифлар гилдияси" билан шартнома имзоланган.

## Истиқлол тенгдоши

Муҳайё Мирзаалиева 1991 йил 22 августда Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғини худудидан таваллуд топган. Қишлоқдаги 15-умумтаълим мактабини аъло баҳоларга битирган Муҳайё айна пайтда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгашининг ёшлар ижтимоий хизматлар маркази компютер саводхонлиги уч ойлик курсида ўқияпти.

— Мустақиллик, ҳурлик, истиқлол сўзларини эшитганимизда юрагимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлади, — дейди истиқлол тенгдоши Муҳайё Мирзаалиева. — Агарда юртда тинчлик ҳукмрон бўлса, барча орзу-ҳаваслар, албатта, рўббини топади. Шу боисдан Ватанимизни асрашимиз, эл-юрт қорига ярашимиз лозим. Озодлик, ҳуррият — ҳар биримизнинг қонимизда, жонимизда, томиримизда бор. Уни ҳар доим эъзозлашимиз зарур. Ўзбекистон ва Истиқлол! Иккиси ҳам биз учун азиз. Мен шу юртда туғилдим. Бу менинг бахтим. Демак, мен шу юрт учун, шу Ватан учун, унинг равнақи учун хизмат қилишим даркор. Замонамизда доимо тинчлик ҳукм суришини ҳар биримиз чин кўнглидан истаймиз ва тилаймиз. Мен келажакда Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фаргона филиалига кириб ўқишни мақсад қилиб кўйганман. Орзумини амалга ошириш учун ҳозирданоқ тайёргарлик ишларини бошладим.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

**Бағрикенг халқимизни яқинлашаётган  
Мустиқиллик байрами билан кутлаймиз.  
Илоҳим, тинчлигимизга кўз тегмасин.  
Ўзбекистон шухрати  
янада юксалаверсин!**

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ  
КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ  
КЕНГАШИ ЖАМОАСИ**

**БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ  
ЭНГ УМУМ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ —  
ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ  
20 ЙИЛЛИГИ  
БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ.**

**ДАВЛАТ АЛОҚА  
ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ**

## Филиал "Бош Коммутация Маркази": Годы успешного развития



Филиал "Бош Коммутация Маркази" АК "Узбектелеком" одно из предприятий, осуществляющих деятельность в сфере ИКТ Республики Узбекистан. За годы независимости филиалом проделан значительный ряд работ, внедрены новые виды услуг, введен в эксплуатацию ряд коммутационных систем.

При обретении Республикой Узбекистан Независимости появилась необходимость в организации собственной международной телефонной связи (до этого международная телефонная связь предоставлялась через международного оператора Москвы в полуавтоматическом и ручном режимах).

В ноябре 1991 г. Министерством связи Республики Узбекистан был издан приказ о строительстве международной связи, на основании которого был разработан проект строительства международной коммутационной станции NEAX-61 и земной станции "INTELSAT".

С вводом NEAX-61 абоненты Узбекистана получили автоматическую связь со странами мира без участия телефонистов, всего было включено 9 международных направлений, через которые обеспечивался транзит на все страны мира.

Пущенная международная станция технически позволяла включить 360 международных каналов по системе сигнализации №5.

За годы независимости филиалом "БКМ" были построены и введены в эксплуатацию еще три международных цифровые коммутационные системы производителей SIEMENS и ERICSSON, работающие по перспективной мировой системе сигнализации ОКС №7, при этом количество международных каналов возросло в десятки раз, одновременно в десятки раз возрос входящий трафик от международной сети.

### Транспортная сеть

В 1992 году, организована система К-1020 в направлении Джизак, Самарканд, Бухара по магистрали КМ-2, что дало возможность увеличения количества каналов в указанных направлениях. Наряду с увеличением количества каналов, также проводились работы по замене унифицированного оборудования на аппаратуру "ОКОП". Новое поколение оборудования исполнено более компактно, мало потребляет электроэнергию, работает более устойчиво.

Однако аналоговая телекоммуникационная сеть постепенно уступает место цифровой коммутационной сети.

В 1995 году был организован цифровой ЛАЦ. Первоначально емкость его составляла 252-2-х мегабитных потока, которые предоставлялись в аренду потребителям, а также предоставлялись 2-х и 4-х проводные аналоговые каналы. В 1999 году цифровой ЛАЦ был дооборудован еще одним STM-4, в 2003 году по проекту JVIC было установлено оборудование STM-1, затем в 2005-2006 годах еще на STM-1 по проекту JVIC-2.

В настоящее время емкость транспортной сети значительно возросла



и полностью перешла под управление специализированного филиала, а филиал "БКМ" осуществляет эксплуатацию потоков и каналов в интересах потребителей, а также предоставляет в аренду 4-х проводные аналоговые и цифровые каналы, при необходимости по заявкам проводятся трансляции праздничных и спортивных мероприятий с места событий.

С организацией цифрового ЛАЦ появилась возможность обеспечить услугу АКС (Аудио-видеоконференцсвязь). Это новый шаг в мультимедийных технологиях связи, объединивший последние достижения в области компьютеров, телевидения и телефонии. Высокое качество звука дает возможности для совместной работы над проектами и оперативного обмена данными и документами. Эта услуга — возможность проведения оперативных селективных совещаний с подключением в режиме одной конференц-группы до 36 подразделений расположенных как в Узбекистане, так и по всему миру, имеющих междугородную связь.

Услуга видеоконференцсвязь впервые в Республики Узбекистан стала предоставляться на филиале "БКМ", с 2003 г. были проведены тестовые испытания в сети ВКС между городами Ташкент-Гулистан-Самарканд, испытания прошли успешно. В декабре 2004 г. филиалом "БКМ" было приобретено соответствующее оборудование ВКС, которое смонтировано в Ташкенте и областях Узбекистана.

С марта месяца 2005 г. "БКМ" активно предлагает и оказывает услугу по проведению видеоконференцсвязи всем желающим. В настоящее время активными пользователями услуг АКС и ВКС являются государственные и правительственные структуры.

### IP-телефония

В 2003 году на филиале начал создаваться узел IP телефонии (пакетной телефонии). С появлением в 2003 году IP-телефонии филиал "БКМ" начал первым создавать сеть услуг по реализации телефонных карточек.

В настоящее время это уже мощ-

ный шлюз, в который подключены операторы, провайдеры услуг IP-телефонии; услуг по предоплаченной карточке. Пропускная способность шлюза составляет 20,0-25,0 млн. разговоров в год и это не предел. Услуги международной, междугородной связи филиала "БКМ" предоставляются посредством сервисных телефонных карт "Центральный телеграф" и "Элит". Данная услуга реализуемая по карточкам "Центральный телеграф" и "Элит" без приувеличения пользуется широким спросом у абонентов Республики Узбекистан.

### Телеграфная связь

Телеграфная сеть общего пользования (ТГОП) является одной из немногих служб, обеспечивающей доставку сообщений в гарантированные и короткие сроки на любой почтовый адрес физического или юридического лица.

Несмотря на многочисленные возможности современных технологий Internet, телефонии, мобильной связи и др. — к услугам телеграфной сети прибегают всякий раз, когда необходима гарантированная доставка сообщения в короткий срок и/или документальное подтверждение факта доставки сообщения.

В 2004 году филиалом "БКМ" была начата реконструкция телеграфной сети. С внедрением коммутационной станции SKAT-1000 стало возможным взять на вооружение новые технологии для обеспечения высокого качества, расширения видов и количества предоставляемых услуг, оборудование системы полностью резервируется, что обеспечивает высокую надежность и живучесть оборудования, значительно сокращаются объемы потребления электроэнергии и занимаемые производственные площади, сокращается численность эксплуатационного персонала.

Коммутационная станция SKAT-1000 обеспечивает автоматизацию основных технологических процессов коммутации, тарификации, статистики и управления зоной связи в районных, городских и областных узлах телеграфных сетей АТ/ТХ, обеспечивает установление местных, входя-

щих, исходящих и транзитных соединений и объединение сети АТ/телекс.

В 2006 году в декабре месяце проходит презентация смонтированного программного комплекса REX-400.

Одно из главных преимуществ системы REX-400 — интеграция огромного спектра услуг на одном компьютере. Пользователям предоставляется около 100 разнообразных услуг: электронная почта, прием и отправка факсимильных, телексных, телеграфных и факсимильных почтовых ящиков, отправка факсов и телексов с обычного аппарата, автоматическое взаимодействие с сетевыми информационно-поисковыми системами и другое.

В настоящее время активными пользователями услуги — многофункциональной системы обработки сообщений (СОС) UzMAIL являются государственные структуры.

Для работы в системе СОС UzMAIL достаточно иметь одно из следующих средств:

- компьютерный с модемом для работы с системой MAIL

- факсимильный аппарат или компьютер с факс-модемом для работы с системой Fax

- телетайп или телексный терминал (компьютер с телеграфным адаптером) для работы с системой TELEX/AT-50.

Ваша информация будет полностью защищена: Только пользователь с зарегистрированным в системе именем и известным только ему паролем имеет доступ к пришедшей на его имя корреспонденции.

Вы получаете реальный сервис X.400.

Филиал "БКМ" на протяжении всего периода независимости продолжал быть базовым предприятием по обучению и прохождению производственной практики студентов Ташкентского университета информационных технологий и колледжа связи. Руководители цехов закрепляли опытных специалистов за студентами, проводили изучение существующего оборудования на предприятии. Обучали методам организации и эксплуатации оборудования.

С марта 2000 года на "БКМ" организован единый филиал кафедр "Телекоммуникационные системы" и "Системы телематики", утвержденное положение о филиале кафедр.

Студенты приобретают практические навыки по техническому обслуживанию систем в реальных условиях по специальности. Студенты приобретают не только технические навыки, но изучают вопросы экономики, бухгалтерского учета и организации производства.

**Ирина НЕСТЕРОВА,**  
начальник ПЭТО филиала  
"Бош Коммутация Маркази" АК  
"Узбектелеком"



**UZBEKISTON**


5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
7.00 "Илк эртанги", Т/с.  
8.00 "Тағлинома"  
8.45 - 9.10 "Минг бир ривож".  
9.10 "Батт Ғаи нима?" М/ф.  
9.20 Миллий сериал: "Тулкан артроидларга" 1-қисм.  
10.00 "Шарк тароналари", VIII - Халқаро мусиқа фестивали кундалиги.  
10.10 "Эпирфод".  
10.20 "Қорчиқ".  
10.40 "Саломатлик сарлари".  
11.00 "Ахборот".  
11.10 "Ҳимматбах кун", В/ф.  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
12.50 "Қўнғи қўшиқ истади".  
13.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига. "Келажакка қўйловор".  
13.20 "Ватанпарвар".  
14.00 "Ахборот".  
14.20 Миллий кино: "Чашма".  
15.30 "Иқлим".  
15.35 "Одам ва одам" дастури: "Ушматқилар ҳаёти".  
16.25 Миллий сериал: "Умр кинжаллари".  
17.00 "Ахборот".  
17.15 "Оқил сўз".  
17.50 "ТВ - шифоқор".  
18.00 "Қўнғи қўшиқ истади". "Болалар сайёраси".  
18.05 "Эртанги" - яшашинсизка сўзлари.  
18.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига. "Сардособ".  
18.45 "Шарк тароналари", VIII - Халқаро мусиқа фестивали кундалиги.  
18.55 "Минг бир ривож".  
19.00 "Рамазон тўғрисида".  
19.20 "Отин мерос".  
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
19.30 "Ахборот" лўсуви.  
20.10 "Ватан ҳақида қўшиқлар".  
20.20 Миллий сериал: "Девизларини томан".  
21.00 "Ахборот".  
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига. "Сардособ".  
22.00 Миллий кино: "Ўзгаллик сир".  
23.30 "Иқлим".  
23.35 "Одам ва одам" дастури: "Қўнғин илҳозий жонивалари".  
23.50 - 23.55 "Оқил".  
23.55 Кўрсатувлар дастури.  
00.00 "Ютим бўйлаб" дастури: "Оқинлар сарди".  
00.15 "Оқил сўз".  
00.25 "Қўнғи қўшиқ истади".  
1.00 "Ахборот" лўсуви.  
1.30 "Шарк тароналари", VIII - Халқаро мусиқа фестивали кундалиги.  
1.40 - 2.35 "Минг бир ривож" дастури.  
2.35 "Иқлим".  
2.40 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
3.30 "Минг бир ривож".  
3.35 "Рамазон тўғрисида".  
4.00 "Ахборот".  
4.35 Миллий сериал: "Тулкан артроидларга" 1-қисм.  
5.15 "Ватан ҳақида қўшиқлар".  
5.25 "Сардособ".  
5.45 - 5.55 "Оқил".



15.00 "Шарк гавҳари".  
16.00 "Давр".  
16.10 "Эрп замани", 1-қисм.  
16.40 "Халқ гузали".  
17.10 "Ўзбекистон - Шарқ дурдонаси".  
17.30 Миллий сериал: "Сержантлар".  
18.10 "Баркамоллик йўлидан".  
18.30 "Давр мануси".  
18.50 "ЎзГЭ".  
19.00 "Давр".  
19.30 "Осиё Т/с".  
20.20 "Ёшлик наволари".  
20.40 "XXI аср технологиялари".  
21.10 "Қарақона", 1/с.  
22.00 "Давр".  
22.30 "Шеррак", Б/ф, 1-қисм.  
00.00 "Ўзи тилгини".  
00.10 "Ёшлик наволари".  
00.30 Миллий сериал: "Сержантлар".  
1.10 "Давр мануси".  
1.30 "Баркамоллик йўлидан".  
1.50 "Миллий мерос".  
2.00 "Давр".  
2.30 Миллий кино: "Ўтас".  
3.50 "Таранум".  
4.30 "Мингал Панцен", Б/ф, 1-қисм.  
5.50-6.00 "Ватан меҳри".



6.00 Кўрсатувлар тартиби.  
6.05 "Истеъло".  
6.30 Миллий сериал: "Дил пайванши".  
6.55 "Ғазаб бўғини".  
7.00 "Қонун доирасида".  
7.15 "Эко-пойтахт".  
7.25 "Салом, Тошкент".  
8.25 Тошкент тароналари.  
8.45 "Аёл қўли", Т/с, 19-қисм.  
9.10 "Интервал".  
9.20 "Интеллектуал аукцион".  
9.30 "Пойтахт".  
9.40 "Қамер оркестрининг концерти".  
9.55 "Қадр орди".  
10.10 "Норат".  
10.30 "Пойтахт" лўсуви.  
10.40 "Қолонга" В/ф, 1-2 қисмлар.  
12.50 "Қутубта нима егани".  
13.00 "Салом, Тошкент".  
14.00 "Дуни" телестури.  
15.00 "Пойтахт".  
15.15 "Аёл қўли", Т/с, 20 - қисм.  
15.40 "Миттвэйлар оиласи".  
16.00 Тошкент тароналари.  
16.25 Миллий мультфильмлар: "Жасур тилратикан", М/ф.  
16.55 "Эко-пойтахт".  
17.05 "Эртанги эълорлар".  
17.25 "Қасбим бақари".  
17.40 "Пойтахт йўллари".  
18.00 "Пойтахт".  
18.25 "Эртанги".  
18.40 "Дурдона".  
18.55 "Интеллектуал аукцион".  
19.05 Миллий сериал: "Дил пайванши".  
19.30 Тошкент тароналари.  
19.50 "Телекуратор-маркет".  
20.00 "Пойтахт".  
20.25 "Уларим".  
20.30 "Шаҳзадиннинг қўшини", Т/с.  
21.00 Тошкент тароналари.  
21.20 "Телекуратор-маркет".  
21.30 "Пойтахт" лўсуви.  
21.55 "Интервал".  
22.05 Кино SMS со звёздами".  
22.10 Экида Санжиров", Х/ф.  
23.40 "Эко-пойтахт" лўсуви.  
23.55 "Бизнес-пойтахт".  
00.00 "Кўрсатувлар тартиби".  
00.05 "Дил боти", Х/ф, Премьера.  
1.55 "Моян уммон қадрли", Х/ф.  
2.45 "Қолонга", В/ф, 1-2 қисмлар.  
5.00-6.00 "Салом, Тошкент".



6.00 "Ҳайрли тонг".  
6.10 "Саломат бўлинг".  
6.30 "Нифтор".  
6.55 "Жасур болалар".  
7.25 Болалар мейдончаси: "Спортландия".  
7.50 "Ҳайрли тонг".  
8.00 "ҲАБАРЛАР".  
8.30 "Саломат бўлинг".  
8.50 Футбол. Англия чемпионати. "Манчестер Юнайтед" - "Арсенал".  
10.30 Велоспорт. Истанбул тури.  
11.20 Футбол. Истанбул чемпионати. "Сарагоса" - "Реал".  
13.00 Рақамлар, натижалар, дейтинглар.  
13.05 Болалар мейдончаси: "Спортландия". Мультифильм.  
13.35 "Ринг қирғоқлари".  
14.35 Теннис. Истанбул турнири.  
15.45 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.  
16.55 Формула-1. Бельгия гран-приси. Квалификация.  
18.00 Болалар мейдончаси: "Спортландия". Мультифильм.  
18.30 ҲАБАРЛАР.  
18.50 Саломатлик хазинаси.  
18.55 Баркамол авлод.  
19.15 "Ўзбек спорти олимлари".  
19.45 Стол тенниси. Халқаро турнир. Яримфинал.  
20.45 "Футбол шарфи".  
21.30 ҲАБАРЛАР.  
21.50 Саломатлик хазинаси.  
21.55 ИнтерФутбол.  
23.35 "Спорт - менинг ҳаётим".  
23.55 Футбол. Италия чемпионати. "Барселона" - "ВильяРеал". Турин - турнир оиди кўрсатилди. Тамаффудаси сессияда дастури анонси.  
2.00 ҲАБАРЛАР.  
2.25 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.  
3.35 Теннис. АТР ПАТВА турнири.  
4.50 - 5.50 Формула-1. Бельгия гран-приси. Квалификация.

**ДУШАНБА — 29 АВГУСТ**

07.00 09.00 10.30 13.30 15.30 18.00 02.15

Ўзбек наволари  
08.10 Сериал: "Соф муҳаббат"  
09.30 Сериал: "За гранью"  
11.30 "Энименге" Х/ф.  
14.40 Сериал: "Соф муҳаббат"  
17.30 "Премьера"  
18.40 Сериал: "Соф муҳаббат"  
19.30 "Қўнғил соғинган қўшиқлар" (Рустам Гоплов)  
20.30 Сардорлар Ўзбекистон"  
21.30 Сериал: "За гранью"  
22.20 "ИЛОВА" балетий фильм  
00.30 Миксер  
01.30 Сериал: "ЛАС ВЕТАС"  
03.00-04.00 "Оқиша марҳамат"  
04.00-05.00 Ўзбек наволари

**БИРИНЧИ**

04.00, 08.05 "Доброое утро"  
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости  
08.30 Контрольная закупка  
09.00 Жить здорово!  
10.00 Мощный приговор  
11.20 ЖЖХ  
12.20 "Делегатива"  
13.00 Друзие новости  
13.25 Понять, Простить  
14.30, 03.10 "Хочу знать" с Михаилом Шереметевым  
15.10 Т/с "Обручальное кольцо"  
15.50 "Свобода и справедливость"  
17.00 Вечерние новости  
17.50 "Дважды поженемся"  
18.50 "Путь говорит"  
20.00 "Время"  
20.30 Х/ф "Немногое не в себе"  
21.30 "Говорящие полицейские"  
22.25 "Иван Облыштин. Поп-авеню"  
23.25 Новичие новости  
23.45 Х/ф "Шахаг"

**РОССИЯ 1**

04.00 "Утро России".  
08.05 "С новым домом", Ток-шоу.  
09.00 "О самом главном", Ток-шоу.  
10.00 13.00 15.00 19.00 Вести.  
